

Этномиллий қадриятларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари

Азизахон Гуломовна Турғунбоева
Наманган давлат педагогика институти

Аннотация: Ушбу мақолада халқимиз ўтмиши, миллий қадриятларни улуғлаш - инсоний фазилатлардан биридир. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, анъаналари ва ҳаётий тажрибасини ўрганиш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини кейинги авлодларга янада такомиллашган, ҳаётга татбиқ этиладиган ҳолда етказиш - ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Калит сўзлар: этномиллий қадриятлар, ўтмиш, урф-одатлар, миллий қадриятлар

Socio-psychological characteristics of ethno-national values

Azizakhan Ghulomovna Turgunboeva
Namangan State Pedagogical Institute

Abstract: This article emphasizes that honoring our nation's past and national values is one of the noble human virtues. Studying the customs, traditions, and life experiences of our people, which have been shaped over centuries, and conveying their essence and significance to future generations in a more refined and practically applicable form is considered a sacred duty of every generation.

Keywords: ethno-national values, past, traditions, national values

Ўтмиши, миллий қадриятларни англаш ва улуғлаш - энг олий инсоний фазилатлардан биридир. Доно халқимизнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, анъаналари ва ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини кейинги авлодларга янада такомиллашган ҳолда етказиш -бугун ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Зероки, келажак авлод онгидаги миллий ғуурор ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, қадриятларни улуғлашга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш - барча замонларда энг долзарб маънавий-маърифий масалалардан бири бўлиб келган. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбida миллийлик туйғусини шакллантиришда дастлабки ижтимоий институт - оиланинг роли бекиёсdir.

Бу борада миллий тарбиянинг илк пойдевори бўлмиш оила муҳитида миллий қадриятлар, урф-одатлар ва маънавий меросни келажагимиз давомчилари бўлган ёшлар онгига сингдириш ота-она ва катталар зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу боисдан хам, бугунги кунда оиласда миллий тарбияни мустаҳкамлаш, ёшларда ўз миллати, тили, тарихи ва маданияти билан фахрланиш ҳиссини уйғотиш - жамиятнинг маънавий юксалишида ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида қаралиши зарур.

Дунё ҳалқлари орасида энг қадимиylаридан саналган ўзбек ҳалқининг бой ва қадимий, маънавий - маданий мероси, гўзал қадриятлари борки, улар авлодлар тарбиясида улкан тажриба вазифасини ўтайди десак муболага бўлмайди. Ҳалқ оғзаки ижоди дурдоналари билан танишар эканмиз, аждодларимизнинг ўтмиши, ҳаётий қарашлари, орзу-умидлари хусусида билимга эга бўлиш билан бир қаторда, уларнинг инсонийлик, миллатпарварлик, ҳақгўйлик, мардлик, оқиллик, меҳнатсеварлик каби фазилатларидан ўрнак олса арзиди. Этнохудудий маданиятимиз, урф-одат ва қадриятлар, удумлар моҳиятини келажак авлодга етказишнинг энг самарали йўли ҳалқ оғзаки ижоди дурдоналаридан, аждодлар ўтмиши акс этган тарихимиз сахифаларидан унумли фойдаланишdir. Миллий қадриятларимиз билан юзлашар эканмиз унда сақланиб келаётган миллат рухияти, ўзбекона қарашларимиз, инсониятнинг табиат ва жамият ҳодисаларига дастлабки қарашларини, уларга доир оддий тасаввурларини зухур этади. Ўтмишимиз билан ҳозиримизни бир-бирига чамбарчас боғлаб турган тарихимизни, ўзлигимизни англаб олишимизга кўмаклашади. Энг аввало ўз миллий қадриятларимиз, этник хусусиятларимизни, қолаверса, ҳар бир ҳалққа хос бўлган этнопсихологик хусусиятларни билиш, миллий психологик қиёфани, унинг элементлари бўлмиш миллий характер, миллий урф-одат ва анъаналар, миллий гоя, дид, миллий онгнинг шаклланиши этник муносабатлар замирида шаклланади. Шахслараро муносабатлар этнопсихологиясида миллий бирлик туйғусини мустаҳкамланиши бугунги жуда тезкор ва ўзгарувчан, таҳликали замонда тинч, осуда ва инсоний қадриятларни асраб яшаш имконини таъминлайди.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти фармонида ҳам хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш деб номланган йўналишида ўзаро миллий ва этник муносабатларни, қўшни давлатлар билан ижобий ҳамкорликка асосланилган алоқаларни кучайтириш, байналминал қадриятларни асраш каби ўзбек миллати турмуш тарзига хос жиҳатларга чукур эътибор қаратилган.

Этнопсихологик тадқиқотларда жамиятни, миллат психологиясини

ўрганар эканмиз бош мезонни аввало оиладан қидирамиз. Кейинги йилларда миллий қадриятларимизнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш борасида залворли илмий тадқиқотлар хориж психолог олимлари билан бир қаторда юртимиз психологлари изланишларида ўз аксини топган. Мазкур муаммонинг тури соҳаларини ўрганишга бағишиланган тадқиқотлар республикамизнинг етакчи психологлари Файрат Шоумаров, Васила Каримова, Умарали Қодиров, Замира Нишонова, Шариф Баратов, Баҳриддин Умаров, Марат Утепбергенов, Рустам Самаров, Феруза Акрамова, Навбаҳор Салаева, Ҳасанбой Абдусаматов, Зиёда Расулова ва бошқалар томонидан олиб борилган ҳамда бу борада ўзига хос тажриба тўпланган.

Бугунги кундаги ўрганишлар натижаси ва кузатувларга кўра этнопсихологик соҳадаги тадқиқотлар кўплаб йўналишларда олиб борилаётганини аниқланди. Инсон рухияти билан боғлиқ соҳаларнинг деярли барча жиҳатлари доимий илмий назорат остида. Соҳа олимларининг тадқиқотларида айтилишича самарали изланиш олиб бориш учун ижтимоий-психологик муаммоларни бошқа фанлар билан бирга комплекс ўрганмоқ зарур. Комплекс метод орқали тадқиқотнинг нафақат илмийлиги ошади, балки у ўрганилаётган объектнинг тури нуқтаи назардан таҳлил қилиш имкониятини ҳам беради. Бунда бир неча фанлар (ижтимоий-гуманитар ва табиий) ҳамкорлигига суюниб иш қилиш мумкин. Бу борада шуни айтиш керакки, тарихий, ижтимоий-иктисодий тараққиётдаги тенгсизлик, тури табиий-географик шароитлар халқлар ўртасида маълум психологик тафовутларни вужудга келтирган. Турли халқларда оила аъзолари ўртасида бўладиган муносабатларнинг бир хил бўлмаслиги, урф-одат ва анъаналардаги фарқлар, нарса-ҳодисаларни идрок этишда мавжуд бўлган турфа хилликни этнопсихологик хусусиятлар билангина тушунтириб бериш мумкин. Шу сабаб маълум бир миллатнинг оила-никоҳ муаммоларини ўрганишда айнан инсонлар жамоаси ва халқларни ўрганувчи фанларнинг методологиясига таянмоқ лозим. Бу муаммоларни асосан ижтимоий ва этник психология, шунингдек, психологик антропология ва қиёсий-маданий психология, дин психологияси фанларининг назарий ва амалий тадқиқотларини синтез қилган ҳолда комплекс ўрганиш мақсадга муофиқдир. Бу эса бугунги кунда этнопсихологик феноменларни ўрганишни, миллатга хос шакланаётган шахслараро муносабатларни психологик табиатини таҳлил қилишни долзарб масала эканлигини кўрсатади. Ушбу жиҳатлар жаҳон халқлари хаётида муҳим ўрин тутувчи қадриятлар, ахлоқ-қоидалари ва анъаналар тизимида бўлаётган ўзгаришлар оила ва никоҳ муаммоси, оила -никоҳ қадриятларига бўлган эътиборни кучайтирмоқда. Зоро, бундай ўзгаришлар оила институтига ўз таъсирини ўтказмоқда, бир қатор етакчи ривожланган давлатларда никоҳсиз

туғилғанлар, ажралишлар, нотұлық оиласалар сонининг ортиб боришида намоён бүлмекда, масалан ғарб давлатларида никоҳсиз туғилиши, ажралишлар сони ортмоқда. Шундай экан, оила-никоҳ анъаналарини комплекс үрганиш, уларнинг ҳали чуқур үрганилмаган ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларини күпроқ илмий тадқиқ этиш жиддий ахамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Оила психологияси. Ф. Б. Шоумаров таҳрири остида. Т.: "Шарқ". 2010 йил
2. Шоумаров Ф. Турғунбоева А ва бошқалар.. Умумий психология. Т.: "Шарқ". 2022 й
3. Павленко В.П. Этнопсихология. - М., 2005.
3. Каримова В. М. Мехр ва муруват оиласдан бошланади - Т.: Янги аср авлоди, 2004.
4. Шнейдер Л. В. Семейная психология. М., Академический проект, Трикста, 2008.